

ҚАРЗДОР МОЛ-МУЛКНИНИ ҮНДИРУВГА ҚАРАТИШ АСОСЛАРИ.

Холмуродов Бунёд Бекмурот ўғли

Навоий вилояти юридик техникуми ҳуқуқшунос ўқитувчиси

Мавлонов Азизбек Рустам ўғли

Навоий вилояти юридик техникуми ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11211949>

Аннотация. Мазкур мақолада МИБнинг қарздорнинг ойлигидан пул маблағларини ушлаб қолиши тартибини ва үндирувга қаратилмайдиган пул маблағлари келтирилган.

Калит сўзлар: Ижро ҳужжати, үндирув, ижрони кечиктириши, қарздорликни бўлиб-бўлиб тўлаши, мажбурий ижро.

GROUNDS FOR CONFISCATION OF THE DEBTOR'S PROPERTY.

Abstract. This article describes the MIB's procedure for deducting funds from the debtor's monthly income and funds that are not subject to collection.

Key words: Execution document, collection, delay of execution, partial payment of debt, compulsory execution.

ОСНОВАНИЯ КОНФИСКАЦИИ ИМУЩЕСТВА ДОЛЖНИКА.

Аннотация. В данной статье описан порядок удержания МИБ денежных средств из заработной платы должника и средств, не подлежащих взысканию.

Ключевые слова: Исполнительный документ, взыскание, отсрочка исполнения, частичная оплата долга, принудительное исполнение.

Қарздорнинг ойлигидан қанчагача ушлаб қолиш мумкин?

Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган пул микдори солиқ ушлаб қолингандан кейин қолган суммадан ҳисоблаб чиқарилади.

Ижро ҳужжати бўйича қарз тўлиқ узилгунга қадар қарздорнинг иш ҳақи кўпি билан 50 фойзи ушлаб қолиниши мумкин. Қарздорнинг нечта кишидан ва қанча қарзи борлигига қарамай ушлаб қолинадиган пул шу чегарадан ўтиб кетмаслиги керак.

Масалан, қарздорнинг банкдан иккита кредит бўйича 100 млн сўм қарздорлиги бор.

Унинг ойлик иш ҳақи эса 10 млн сўм. Шу ҳолатда МИБ қарздорнинг ойлигининг ярми – 5 млн сўмни үндирувга қаратади ва қарз тўлиқ узилгунча қадар давом этади.

МИБ қандай пулларни үндирувга қаратмайди?

Албатта, қарздорлик бартараф этилиши шарт, аммо үндирув қарздорнинг ижтимоий аҳволини ёмонлаштирмаслиги, унинг қонун билан кафолатланган манфаатларига дахл қилмаслиги керак. Шу боис, қонунчиликда үндирув қаратилган бир қатор молиявий манбалар рўйхати белгиланган. Шу жумладан, қўйидагилар:

- майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик, шунингдек, бокувчисини йўқотганлик учун зарарни тўлаш суммалари;
- хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида майиб бўлган шахслар ва ҳалок бўлган шахсларнинг оила аъзоларига тўланадиган суммалар;
- бола туғилганлиги муносабати билан тўланадиган суммалар;
- алимент мажбуриятлари бўйича тўланадиган суммалар;

- меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун тўланадиган суммалар, шунингдек, радиация таъсирига учраган шахсларга ва бошқа ҳолларда тўланадиган суммалар;
- ҳомиладорлик ва туғиши бўйича тўланадиган нафақа суммалари;
- дағн этиши маросими учун бериладиган нафақа суммалари;
- қисман ҳақ тўланадиган таътил даврида болани парваришлаш учун тўланадиган суммаларга;
- бола туғилиши, қариндошлар вафот этиши, никоҳ тузиш муносабати билан корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан тўланадиган суммалар;
- хизмат сафари, бошқа жойга ишга ўтказилганлиги, қабул қилинганлиги ёки юборилганлиги муносабати билан тўланадиган суммалар.

Мажбурий ижрони кечикириш ёки қарздорликни бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинми?

Масалан, МИБ қарздорни автомашинасини ундирувга қаратди, аммо қарздор бир неча ой давомида ишлаб, қарзни узмоқчи. Шундай ҳолатда қарздор ижрони кечикириши ёки ундирувга қаратилган автомашина ўрнига унинг пулинини бўлиб-бўлиб тўлай оладими?

Жавоб – ха, қонунга асосан давлат ижрочиси, ундирувчи ёки қарздор мажбурий ижрони кечикириш, бўлиб-бўлиб ижро этиш ёки ижро усули ва тартибини ўзгартиришни сўраб суд ёки бошқа органга ариза бериши мумкин.

Фақатгина битта шарт билан – кўрсатилган сабаблар объектив бўлиши лозим. Аммо қонунда қандай ҳолатлар объектив ҳисобланади-ю, қайсилари ҳисобланмайди, буни аниқлаштирилмаган. Ҳар бир ҳолатда алоҳида кўриб чиқилади. Масалан, агар қарздор ижрони кечикиришни сўраб ариза берса, бироқ, давлат ижрочиси ёки суд буни объектив деб топмаса, уларнинг бу қарори устидан маъмурий судга шикоят қилиш мумкин.

Мажбурий ижро кечикирилса, ижрони кечикирган суд ёки бошқа орган томонидан белгиланган муддат ичida ижро ҳаракатлари амалга оширилмайди. Агар қарздорнинг мулкига хатлов қўйилган бўлса, кечикириш муддати давомида бу хатлов олиб ташланиши керак.

Шунингдек, давлат ижрочиси ижро ҳаракатлари амалга оширилишини ундирувчининг аризасига кўра кейинга қолдириши ҳам мумкин. Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, қарздор ижрони кейинга қолдиришни сўраганда, албатта, сўралаётган муддат кўрсатилиши керак. Давлат ижрочиси муддатни ўн кундан йигирма кунгача узайтириши мумкин.

Қандай мол-мулк қарздордан тортиб олинмайди?

Мажбурий ижро жараёнидаги муҳим масалалардан яна бири – ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк ҳисобланади. Қонунда шундай мол-мулк тоифаси кўрсатилган бўлиб, улар ундирувга қаратилмайди.

Масалан, қарздорга тегишли бўлган ёки унинг умумий мулқдаги улуши бўлган ягона уй. Фақатгина икки шарт билан. Биринчиси, қарздор ва унинг оила аъзолари унда доимий равища яшаётган бўлиши керак. Иккинчиси, ижро хужжатида ундирувни мазкур уйга қаратиш назарда тутилган ёки ушбу мол-мулк гаровга қўйилмаган бўлиши керак (масалан, ипотека кредити олинганда шу уй-жой гаровга қўйилган бўлса). Акс ҳолда мол-мулк ундирувга қаратилади.

Шунингдек, қарздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмларга ижро хужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин эмас.

Аммо нормал турмуш кечириш учун қандай буюмлар керак бўлади? Масалан, мен нормал турмуш кечиришим учун автомашина, сўнгти моделдаги смартфон ёки ноутбукни керак ҳисобласам. Субъектив мезон турлича бўлганилиги сабабли Ҳукумат томонидан қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро хужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, қуйидагилар ҳар қандай ҳолатда ҳам ундирувга қаратилиши мумкин эмас:

1. Асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги ҳисобланган шахсларнинг:

- ягона сигири, у бўлмаса – ягона ғунажини, ҳар иккаласи ҳам бўлмаса, ягона эчки, қўй ёки чўчқаси, шунингдек, уй паррандаси (товуқ, ўрдак, ғоз, курка ва цесарка);
- қорамол учун янги ем-хашак йиғиб олингунга қадар ёки яйловга чиқаргунга қадар (агар қорамолга ундирув қаратилмаган бўлса) ем-хашак;
- навбатдаги экиш учун зарур бўлган уруғлар.

2. Қарздор ва унинг қарамоғидаги шахслар нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган қуйидаги уй анжомлари, жиҳозлар, кийимларга:

- ҳар бир шахсга кийимлар: кузги ёки баҳорлик пальто ёки плаш, битта қишлиқ пальто (ёки чопон, пўстин), битта қишлиқ костюм (аёллар учун — иккита қишлиқ кўйлак), эркаклар учун битта ёзлик костюм ёки чопон (аёллар учун – иккита ёзлик кўйлак), ҳар бир мавсум учун биттадан бош кийими (бундан ташқари аёллар учун – иккита ёзлик рўмол ва битта иссиқ рўмол ёки шолрўмол), узок муддат фойдаланилган ва қийматга эга бўлмаган бошқа кийим-кечаклар ва бош кийимлари;

- фойдаланилган оёқ кийимлари, ички кийимлар, чойшаблар, ошхона ва емакхона жиҳозлари (қимматбаҳо металлардан тайёрланган, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган қадама нақшли буюмлар, шунингдек бадиий санъат қийматига эга бўлган буюмлардан ташқари);
- ҳар бир шахс учун мебель — биттадан каравот ва стул ёки курси, оила учун битта стол, битта шкаф ва битта сандик;
- болаларнинг барча жиҳозлари.

3. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишининг техник воситалари ва протез-ортопедия мосламалари.

4. Қарздорнинг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлса, янги ҳосилга қадар қарздор ва унинг оиласи учун зарур бўлган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларига, бошқа ҳолларда эса – қарздор оиласининг ҳар бири учун базавий ҳисоблаш миқдорида озиқ-овқатлар (пул маблағлари);

Шунингдек, юқоридагиларга қўшимча сифатида қарздор ва унинг оиласи овқат тайёрлаши ва иситиш мавсуми мобайнида уй-жойини иситиши учун зарур бўлган ёқилғини ҳам ундирув қаратилмайдиган мол-мулк сирасига киритиш мумкин.

МИБ дам олиш кунида ҳам келиши мумкини?

Қонунга асосан мажбурий ижро бюроси ходимлари ижро ҳаракатларини фақат иш кунлари давомида амалга оширади. Бунда иш соати 08:00 дан 22:00 га қадар чегараланган.

Аниқ вақтни давлат ижрочиси белгилайди. Бу ўринда қарздор ўзи учун кулай бўлган вақтни таклиф этиши мумкин.

Аммо куннинг бошқа вақтида, шу жумладан, дам олиш ва байрам кунларида фақат кечиктириб бўлмайдиган ёки қарздорнинг айбига кўра уларни бошқа вақтда амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда ижрони амалга оширишга йўл қўйилади. Масалан, соат 08:00 дан 22:00 гача қарздор уйида бўлмаса, МИБ ходими бошқа пайтда ҳам келиши мумкин.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 авгуустдаги ўрқ-258-сон ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли Қарори
4. Интернет сайтлари
5. [Http://www.president.uz](http://www.president.uz). (Ўзбекистон Республикаси сайти).
6. [Http://www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти).
7. [Http://www.sud.uz](http://www.sud.uz). (Ўзбекистон Республикаси Олий Суд сайти).